

Мирзачўл гулмоё-яшасётган боғу-

Россия тўқимачилик саноатининг пахта билан таъминлиниши охирич юзасидан тузилган иш плани тасдиқлансин. Бу план қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади: а) Самарқанд области, Хужанд уездидаги Мирзачўл ерларидан 500 минг десятинасини сугориш ва Далварзин чўлида 40 минг десятина ерни ўз ичига олган Мирзачўлнинг рўпарасида Сир-

дарёнинг нариги лабидаги ирригация системасини асосий ишоотлар билан таъминлаш;...
...кўрсатилган ишлар учун 1918 йилда Туркистондаги Сугориш ишлари Бошқармаси-га Давлат хазинаси маблағларидан 50 миллион сўм ажратилсин...
Халқ Комиссарлари Советининг Раяси В. Ульянов (Ленин). 1918 йил 17 май. Москва.

(Туркистонда сугориш ишларига 50 миллион сўм пул ажратиш ва сугориш ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Декретдан)



Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Мирзачўлни ўзлаштириш учун жуда кўп ватанпарварлар келган эдилар. Улар ҳозир ҳам Мирзачўл ва Янгирда, «Воёвут» ва «Далварзин» совхозларида хизмат қилмоқдалар. Суратда: (чапдан) С. Тожиёв, С. Назаров, М. Тўйчиев, С. Эшонхонов, В. Райх, С. Курбагов, Н. Таченко ва В. Булаевский урғоқлар. В. Лейзерович фотоси. (ЭТАГ фотохроникаси).

Бундан 40 йил муқаддам улуғ Ленин Мирзачўл ерларини ўзлаштириш тўғрисидаги тарихий Декретга имзо чеккан эди. Утган давр мобайнида Мирзачўлнинг қиёфаси таниб бўлмаг даражада ўзгариб кетди: ўйлаб кўп тармоқли қолхоз ва совхозлар, йирик МТСлар ҳамда саноат корхоналари вужудга келди.
Бир вақтлардаги шўр, зах ерлардан эндиликда мўл пахта ҳосили олинмоқда. Мирзачўлда янги ташкил этилган районларнинг қолхозлари ҳар йили қарийб 175 минг тонна «оқ олтин» етиш-

тирайтирлар. Яқин келажакда Мирзачўл республиканинггина эмас, балки Иттифоқимизнинг энг йирик пахта базасига айланади.
Чўл бағрида янги социалистик шаҳар қад кўтармоқда. Ўн мингларча бинокорлар, механикаторлар чўлни чинакамга «оқ олтин» водисига айлантириш учун фидокорона кураш олиб бораётирлар.
Газетамизнинг бу саҳифалари Ленин Декрети эълон қилингандан буён Мирзачўл воҳасида амалга оширилган катта ишларга бағишланади.



«Голодностепгэсстрой» трестини ташкирлаб ишлари урғоқ Вагнер ҳамма вақт социалистик мусобақада галиб чиқди. Суратда: урғоқ Вагнер набатдаги рейсга ҳозирлик кўрмоқда. Комсомол путёвкиси билан Янгир шаҳрига келган ёш бинкор М. Кутимовни Янгирдаги лар яхши танишди. У смена топиригини 2,5-3 барапар адо этмоқда. Суратда: К. Кутимов, В. Сироткин фотоси.

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ АМАЛДА

Мирзачўл ҳуёси саҳий, ери тўя, лекин сувсизлик унинг тинкасини қуритган эди. Асрлар давомида бир томчи сув кўрмай қақраб ётган аям чўл эндиликда совет кишиларининг иродаси туйғили бег-роқда айланмоқда. Ун минглаб чўл мардлари шу катта водига кўчиб келиб, унга ҳужум бошлади. Қудратли геҳника уларга яқиндан маълақ бермоқда. Чўл уйғулдан абадий уйғонаётир...
Чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал ва князлари, чиловник ва нахшаларидан, маҳаллий бойлардан бизга қолган «мерос» 36 минг гектар зах, шўр ер бўлди, холос. Бу ерлар ҳозиргидек гулистон эмас, балки безак чивилларининг уиси эди. Туву-жуи кетмон билан чўплаган ер деҳқонга нон бермас эди. Бир йил экин экилган ердан иккинчи марта ҳосил олиб бўлмади.

«Главгосдностепстрой» бошлигининг уринбосари урғоқ Д. ТЕРСИТСКИЙ билан суҳбат.

баравар кўпайтирилади. Шуни айтиши керакки, Киров номи канали реконструкция қилиш иши умумхалқ ҳаракатиға айланди. Катта Фарғона канални қурувчиларининг меҳнат ғайратларидан руҳланган Тошкент области қолхозчилари ва совхоз ишчилари, шаҳарликлардан ўн минглаб кишилар Мирзачўл ерларига келиб канални чуқурлаштириш ва кенгайтиришда яқиндан ёрдам бердилар. Натижалда 1940 йилга келиб Мирзачўлдаги экин майдонларининг миқдори қарийб 140 минг гектарга етди.
Янги ўзлаштириладиган ерларнинг ҳамма қазилатган ирригация тар-

қарорига кўра, Мирзачўлнинг ўзбекистон республикаси ҳисмида яна 200 минг гектар дўриқ ва бўз ерни ўзлаштириш тадбирлари белгиланган.
Янги ўзлаштириладиган ерларда 23 та совхоз ва 20 дан ортиқ пахта тозалаш заводлари қурилиши мўжжалланмоқда. Бундай катта программани амалга ошириш учун энг аввал молий-техника базасини вужудга келтиришимиз керак. Сўнгги бир неча йил ишда ташкил этилган «Социализм», «Гулистон», «Мирзачўл», «Дружба», «Фарҳод», 4-совхоз ҳамда бошқа хўжаликларни уй-жой бинолари билан таъминлаш, улардаги мавжуд пахта майдонларини ишлаш ҳамда янги ерлар очиб бериш хаби ишларни амалга оширмоқдамиз. Бирок бинокорлик, ирригация ишоотларини вужудга келтириш учун бизда етарли капитал билан бўлмайди. Шу сабабдан ишни Мирзачўлга кўчи келатётган ўн мингларча ишчилар ва механикаторларни уй-жой билан таъминлаш, бинокорлик ҳамда ишоотлар учун материаллар ишлаб чиқаруви саноат корхоналарини вужудга келтиришда бошланади.



Ленин Декрети эълон қилингандан сўнг Туркистондаги сугориш ишларини планлаштириш, ернинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилаш учун Москва ва Петрограддан Янгирманчи йилларнинг бошларида бир групу олимлар келидилар. Булар орасида Булаевский, Дувин-Барковский, Курбагов, Морганевский, Колпакова, Рун ва бошқа олимлар, инженер-техник ходимлар бор эди.

Совет кишилари юрдида номадори зикр этилган олим ва инженер-техник ходимларни Мирзачўл воҳасининг пионерлари деб аташди. Биз Мирзачўлликлар, ая боллигини кўпайтириш йўлида оғир шароитларга қарамай, қадромонлик кўрсатган бу олимларнинг номиларини ҳаммиз ала сақлаймиз.
Игирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг бошларида республиканинг ҳамма жойларидан каби Мирзачўлда ҳам қолхоз ва совхозлар ташкил этила бошлади. Уша йиллари ҳозирги вақтда минг минг гектар ерларга чигит экиб, юқори пахта ҳосили олаётган Мирзачўл райониди «Октябрь», Ленин номи, Сирдарё райониди Окубобоев номи, Гулистон райониди «Красная заря» қолхозлари вужудга келтирилди.

Утган бир ярим йил мобайнида, қилинган ишларга бир назар ташлабдик. Жанубий Мирзачўл канали, кўл ва насос станциялари қурилишида бир неча ўн миллион кубометрдан кўпроқ ер ишлари бакарилди. Бўлажак янги совхозлар билан Янгир шаҳрини қўлланиб иш олиб бердилар. Мирзачўл ерларида алмаш-лаб экин усули кенг қўлланди.
Шуни айтиши керакки, 1917 йилга қадар чўлнинг энг серҳосил ерларидан олинган пахта 7-8 центнердан ошмаган бўлса, 1940 йилга келиб ҳар бир гектар ердан ўртача 19 центнердан ҳосил етиштирилди.

Партия ва ҳукуматнинг оқидона тадбири натижасида уруннинг энг оғир йилларида Фарҳод гидростанцияси қурилиб, ишга туширилди. Сирдарё сувининг бўғилини Мирзачўл ерларини янада кенгайтириш перспективасини очди.
1947 йилда Киров номи каналнинг иккинчи марта реконструкция қилиниши давом эттирилди ва ундан оқадиган сувнинг миқдори секундига 150 дан 450 кубометрга етказилди. Шу билан бир қаторда Воёвут канали қурилиши давом эттирилди. Бу тадбир биринчи Воёвут районини юқори қисмида қарийб 10 минг гектар ерни ўзлаштириш имконини туғдирди.
Партия XX съезди Директиваларида пахтачиликни янада юксалтириш тадбирлари белгилаб берилган. КПСС Марказий Комитети ҳамда ССР Иттифоқи Министрлар Совети 1956 йилнинг август ойида Мирзачўлнинг кўриқ ва бўз ерларини ўзлаштириш тўғрисида муҳим қарор қабул қилдилар. Бу тарихий ҳужжат Мирзачўл массивиди кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришнинг янги даври бўлиб тарихга кирди.
Ҳозирга қадар Мирзачўлда ҳаммаси бўлиб 200 минг гектар ер ўзлаштирилган. Шундан қарийб 120 минг гектарда пахта етиштирилмоқда. Партия ва ҳукуматнинг янги

ТАРИХИЙ ЛАВҲАЛАР

Мирзачўл бир миллион гектарга яқин унумдор ерни ишго қилиб ётган воҳадир. У Тошкент, Фарғона ва Зарафшон водилари ўртасига жойлашган. Мирзачўлнинг унумдор бўз ерларига сув чиқариб, мўл ҳосил етиштириш ҳақида ўзбек халқи асрлар давомида оғир қилиб келарди. «Грунбой-Урга» ва «Тулотортар» каналларининг Мирзачўлдаги қозилдиқлари, Фарҳод ва Ширин тўғрисидаги оғизлаш-оғизга ўтиб келган ажиб-ўзбек халқ афсонаси шундан далоят беради.
Урта Осиё Россияга қўшилан даврда Мирзачўл томчи сувга зор бўлган, сахро эди. Сувнинг етишмаслиги натижасида илк баҳорда ерни ёриб чиққан ўғ-ўланлар кунлар сал пeshи билан қовжираб, тўзонга айланарди.
Урта Осиё чор Россиясининг мустамалакисига айланган, подшо ҳукумати Мирзачўлга сув чиқаришга бир неча марта уриниб кўрди. Аммо бу уриниш зарур техника бўлмадлиги туйғили ҳақида муваффақиятсизликка учради. Фақат 1895 йилдагина жуда катта қийинчиликлар билан кичикроқ бир канал қазилди.

1898 йилда қурилган Урта Осиё темир йўли Туркистон ўлкаси ерларини мустамалакчилик мақсадларида яна ҳам кўпроқ эгаллаш учун кенг имкониятлар очди. Бағридан темир йўл кесиб ўтган Мирзачўлнинг иқтисодий аҳамияти орта борди. Подшо ҳукумати бу унумдор ерларда қимматли экинлар, жумладан пахта етиштириб, жуда катта фойдалар олишни ҳаёли қилди.
Фақат мустамалакчилик мақсадларини кўзлаб, подшо ҳукумати 1901 йилда «Романов канали» ни қуришга киришди. Бу канал Мирзачўлнинг шимоли-шарқий қисмида 49 минг гектар ерни сув билан таъминлаш керак эди. «Романов канали»ни қазил ишлари 13 йил давом этса ҳам лекин сув ўшшооти охиригача қуриб битказилмади. 1917 йилда ана шу канал воситаси билан атиги 36 минг гектар ерга сув чиқарилади. Ана шу сув чиқарилаган ернинг 19 минг гектарда пахта етиштирилади бошланди. Шундай қилиб, подшо ҳукумати қанчалар уринмасин Мирзачўлга сув чиқариб, унинг бўлиқ ерларини ўзлаштириш йўлида қутилган натижага эришолмади. Асосий иш қуроли кетмон, лом, замбил ва транспорт воситаси от ҳамда эшак-ара-

вадан иборат бўлган ўша шароитда муваффақиятсизликка учраш табиий эди. Бунинг устига маҳаллий бойлар ва мустамалакчилар томонидан қаттиқ эксплуатация қилинган, ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлмаган меҳнаткаш халқ чўлда ишлашга чин қўйилган рози эмас эди.
Фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина Мирзачўлни ўзлаштириш ва ун ш меҳнаткаш халқ бахт-саодати учун хизмат қилдиришга чинакамга киришди. Совет ҳокимияти барпо этилгандан сўнг орадан ярим йил ўтган 1918 йил май ойида Владимир Ильич Ленин Мирзачўлга сув чиқаришнинг қўзда тутган тарихий Декретга қўл қўйди. Улуғ Ленин Сирдарё тўғрисида баҳраманд бўладиган Мирзачўлнинг «Нелакка боғу-бўстонга, «оқ олтин» қонига — роҳатбахш жойга айланганини ўша даврдаёқ кўра олган эди.
Мирзачўлни ўзлаштириш юзасидан дохи Ленин чизиб берган катта план экин майдонларини кўпайтириш ва республикада пахтачиликни ривожлантириш учун курашда ўзбек халқи қўлида жанговар программа бўлиб хизмат қилмоқда.


1957 йилда Мирзачўлда 200 минг гектар ерга сув чиқарилиб, 250 минг тонна пахта етиштирилган эди. Ҳозир КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахта етиштиришнинг кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозғистон ССР даги Мирзачўлнинг кўриқ ерларини ўзлаштириш ва сугориш тўғрисида 1956 йил 6 августда чиқарган тарихий қарорини амалга ошириш учун курашмоқда. 1964 йилга келиб сугориладиган ер 500 минг гектарга етказилди, Ана шунда Мирзачўлда етиштирилган пахта 570-590 минг тоннани ташкил этади.
Қарорда кўрсатилган 300 минг гектар кўриқ ер батамом ўзлаштирилиб бўлган, совет халқи Мирзачўл ерларининг қолган 300-350 минг гектарини ўзлаштиришга киришди. Ана шунда сугориланган ернинг умумий ҳажми 800-850 минг гектарга етказилиб, бу майдоннинг катта қисмида пахта етиштирилади. «Оқ олтин»нинг ялпи маҳсулати эса 1-1,2 миллион тоннага етказилди.
Бу, Мирзачўлда Ленин декрети тўла амалга ошириладиганлигидан далоят бериб турипти.

Г. ЦОЙ.

МИРЗАЧЎЛ

Бебаҳо бойлик макони — пахтага қон Мирзачўл
Тупроғи олтин учун, ҳосил фаровон Мирзачўл.
Меваси ширин-шарқили боғу бўстон Мирзачўл.
Пахтасининг шухрати оламга шобан Мирзачўл.
Сенга ҳурмат, сенга олқишлар, шараф-шон Мирзачўл!
Халимиз асрлар бўйи шундай қиларди оруз:
Кошки, чўл бағрини сороб этса эрди сув...
Ени Сирдарё бўғилса, ё бўйини этса Аму,
Токи бўлғай эрди бизга бахту давлат рўбару.
Бу тилак топди совет даврида имкон, Мирзачўл.
Доҳимиз Ленин Ватан боғига бўлди боғбон,
Қараган чўл сийнасига айлади суви равон.
Бўш ётган даштар нисинига гўё кирди жон
Яшнади гулбоғлар, ҳуснига қойиларди жаҳон.
Шул чаманлардан биридир шоду хандон Мирзачўл.
Халимиз қазди жадал суръат билан кўплаб қанал,
Бу нанадан сув эмас, балки олар қанду асал,
Сув муаммосини Ленин амри билан қилди ҳал,
Қаҳрамон элнинг иши тарихидир зарбул масал.
Шул сабабдан маътоби тилларда достон Мирзачўл.
Қиз-йигитлар Янгирда қурдилар янги шаҳар
Қолмади бу ерда ўтмиш доғу дахшатдан асар.
Муҳташам ношоналарнинг томлари осмон ўлар,
Зур электр шўлласидан кўндоғи ой раши этар.
Бўлди Илчининг чароғидан чароғон Мирзачўл.
Чўлни забт этган забардастлар — Ғанишерлар яшанг,
Тоғни талқон айлаган соҳибқирон эрлар яшанг,
Тўндингиз пешонадан дурдонадек терлар, яшанг!
Аҳли олам меҳнатингизни кўриб, дерлар: яшанг!
Чехрангиздан ўпса арзир, балки жонон Мирзачўл...
Э, улуғ халим гўзалдир ҳар бир индагин сенинг,
Кўзимизга нур бергай кучли «Фарҳод»нинг сенинг.
Янги гулшанлар яратгай янги алодинг сенинг,
Барча ишда Партия йўлбошчи, устодинг сенинг.
Яшнагил, тобора юксал, эй қадрдон Мирзачўл!

М. ВАСФИЙ.



Ўтмишда Мирзачўлнинг қиёфаси — ана шундай эди.



Чўл-бағрида республиканиннг энг кенжа шаҳри — Янгир-қад кўтармоқда. В. Сироткин фотоси.

«Бўстонлар» оқ олтин «Боёв»га айланмоқда

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Мирзақўлда қўриқ ерларни ўзлаштириш йўли билан КПСС XX съездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956-1960 йилларга мўлжалланган олтинчи беш йиллик плани тўғрисидаги Директива-ларига мувофиқ пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун жуда катта пахтачилик районини вужудга келтиришни ва шу билан бир вақтда Мирзақўлда ўзлаштирилган ерларда пахтанин ҳосилдорлигини кўпайтириш тadbирларини ўтказишни Ўзбекистон ССР ва

Қозғоғистон ССР партия, совет, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органлари олдида, шу республикалардаги МТСлар, совхозлар ва колхозлар олдида муҳим давлат вазифаси қилиб қўйди.

(КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети нинг «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозғоғистон ССРдаги Мирзақўлнинг қўриқ ерларини сугориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қароридан).

ОЛИМЛАРИМИЗ ҲИССАСИ

Мирзақўлнинг геологик ва гидрогеологик хусусиятлари мураккаб бўлиб, ҳали олимларимиз томонидан тўла ўрганиб чиқилган эмас.

Утган йилларда Мирзақўлни қисман ўзлаштириш практикаси ерларнинг геологик ва гидрогеологик хусусиятларини ҳамда бошқа табиий шaroитларини чуқур ўрганишга кўпгина қийинчиликларга дуч келишимизга сабаб бўлганлигини кўрсатди. Чунки Мирзақўл шaroитидаги ер ости сувлари тез кўтарилиб тушроқни шўрлаб боради, бу эса бўлашақда агротехника тadbирларининг натижасини камайтиради ҳамда пахта ва бошқа экинлардан олинadigan ҳосил миқдорини озайтиради. Шунинг учун ҳам илгари йўл қўйилган ҳатоларнинг олдини олиш ва Мирзақўлни ўзлаштиришдан фидокор совет кишиларига ердан бериш мақсадида республикамиз олимлари бир қатор муҳим илмий-тектириш ишлари олиб бормоқдалар.

Мирзақўлни сугориш ва ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муҳим проблемаларини ҳал қилиш ишга илмий-тектириш ва лойиҳалаш ташкилотларининг, олий ўқув юр்தарининг ва айрим министрликларнинг илмий ходимларидан иборат каттагина гуруҳга 1956 йил кўздан бошлаб жиддий ишга киришилди. Бу ташкилотларнинг ишларини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги Республика илмий-тектириш кўчаларини ўрганиш кенгаши (СОПС) раҳбарлигида қилиб бормоқда.

Илмий тадқиқот ишлари СОПСнинг 4 йиллик (1957-1960) тематик планига асосан олиб борилаётган. Бу планга билимнинг турли соҳалари бўйича муҳим масалаларнинг кенг доираси қамраб олинган. Жумладан, Мирзақўлнинг табиий шaroитлари, мелiorацияси, ирригацияси, гидро-техника ва энергетикаси, пахтачилик ва ҳедорчиликнинг бошқа соҳалари, чорвачилик, маҳаллий қурилиш материаллари, граждалик ва йўл қурилишнинг хўжаликларини ташкил қилиш ва экономикаси билан боғлиқ бўлган бир қатор муҳим масалалар ўрганилмоқда. Айниқса, Мирзақўл учун шу кунда ларҳол ҳал қилиниши лозим бўлган мелiorация ва гидрогеология, ирригация ва гидро-техника, электрофикация ва теле-механизация, граждалик ва йўл қурилиши масалалари катта эътибор берилмоқда.

1957 йилда олиб борилган баъзи илмий ишлар якунида, Жумладан, кучли шамоллар ҳаракат қилadigan районлар аниқланди. Мирзақўлда қурилиш материаллари ва конструкторларнинг қанчага чидаши ҳақида муҳим илмий далилларга эга бўлидик, мавжуд совхозларда пахтанин

тавнархи ўрганиб чиқилди ва уни камайтириш йўллари белгиланди. Айрим касалликларга қарши профилактика тadbирларининг комплекси ишлаб чиқилди. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириладиган районлар белгиланди.

Академия олимлари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари мутахассисларининг жиддий ҳамкорлиги натижасида Мирзақўл тушроқ қатламларининг хусусиятлари ўрганилди, уларни ахшиллаш тadbирлари ишлаб чиқилди. Мирзақўлнинг литологик ва геоморфологик картаси тузилди.

Утган йил олиб борилган тектириш ишлари натижасида академиянинг Геология институтини гидрогеологик ҳамда зах ва ер ости сувлари қарташини ишлаб чиқди. Бу эса Мирзақўл ерлари шaroитида ҳосилдорликнинг оширишда жуда катта аҳамиятга эга.

Академия олимлари Мирзақўлнинг шимолдй қисмида вертикаль дренажлар орқали олинadigan сувлар ҳисобига 50 минг гектар ерни янги усулда сугориш йўлини илмий равишда ишлаб чиқилди ва назарий жиҳатдан асослаб берилди. Шунинг натижасида ер устидаги ўзлашган сувлардан бошқа ерларни сугориш, янги ўзлаштириладиган ерларни таъминлаш, сизот сувларини пасайтириб, территориянинг мелiorация ҳолатини ахшиллаш мумкин. Бу йил Мирзақўл шаҳрида ва «Социализм» совхозида тажриба учун вертикаль дренаж системаси қурилди.

Шу кунларда Мирзақўлда фойдаланиладиган ерларни планлаштириш методи ҳамда шaroитларда ҳам қўйилган натижани бермастир ва кўпгина совхоз ходимларининг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли планлаштириш ишлари юзасидан олиб бориладиган лойиҳалар ва ишлаб чиқариш илмий тадқиқот ишларини янада чуқурлаштириш талаб этилади.

Ҳозир академиянинг Энергетика ва автоматика институтини ҳамда САИНИРИ олимлари Мирзақўлдаги ирригация тармоқларида телемеханика сигналзацияси ва бошқариш системасини барпо этиш ва шу система учун телебоқаришнинг принципал схемасини ишлаб чиқмоқдалар. Бу ишларнинг амалга оширилиши сув ресурсларидан янада унумлироқ фойдаланиш ва ирригация тармоқларини яхшироқ аксплуатация қилиш имконини беради.

Академиянинг Ишпоолаб институтини иморат пойдеворларининг емирилиш сабабларини аниқлаш, турли минерал ва сизот сувларининг бетонга ва иморат деворларига таъсирини ўрганиш соҳасида кўпгина ишлар қилди. Химия институтини Мирзақўл шaroитига мос, чидамли порт-

ландемет турини ишлаб чиқди. Мирзақўлда ўзлаштириладиган ерларнинг иқлими ноқулай, табиий дарахтзорлари бўлмаганлиги учун бу ерларни кўкаламзорлаштиришга, ўша ерга мос дарахт навлари яратишга катта эътибор берилмоқда.

Утган йил июль ойида Академиянинг Янгиер ва Мирзақўл шаҳарларида бўлиб ўтган сайёр сессияси Мирзақўлни ўзлаштириш ва сугориш тарихида катта илмий аҳамиятга эга бўлди. Бунда Мирзақўлни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган бир қанча муҳим масалалар кўриб чиқилди, олимлар ўз ижодлари билан ишлаб чиқариш ташкилотларини таништирилади ва уларнинг ташкилларини ўрганишди.

Қилинадиган илмий тадқиқот ишларининг натижаси маънафдор ташкилотларга ҳавола қилинмоқда. Жумладан, «Голодостенстрой» ва Лойиҳалаш институтларига турли тақлифлар, тавсиялар, лойиҳалар, схемалар берилмоқда. Булар орасида 60 дан ортиқ тугал илмий иш ва тadbир бор. Тамомланган ишларнинг кўпгина қисми академия илмий нашрларида, Социализм, ТИНИМСХ, САИИ ва бошқа илмий муассасаларда чиқадиган тўлақамларда эълон қилинди. Мирзақўл масалаларига бағишланган 1957 йилда нашр этилган асарларнинг умумий ҳажми 100 печатий листдан ошди.

Утган йил академия ҳузуридаги СОПС 10 га яқин илмий кенгаш ўтказди. Бу кенгашларда Мирзақўлни ўзлаштириш генерал схемасининг асослари, мелiorатив тadbирларини раёонлаштириш масалалари, вертикаль дренажлар қурилиши каби проблемалар муҳокама қилинди.

Мирзақўлни ўрганишда экспедицион тадқиқотлар кенг қўлланилмоқда. 1957 йилда академиянинг 11 институтидан 29 отряд экспедицияга чиқиб, тадқиқот ишлари олиб борди. Бу муҳим ишларда 215 киши иштирок этди. Экспедицияларнинг ишлари тартибга солишни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Мирзақўл комплекси илмий-тектириш экспедицияси олиб бормоқда. Бу йил Мирзақўлда 35 комплекс тема масалдан экспедицион иш олиб борилаётган.

Ўзбекистон олимлари улуғ Ленин катта аҳамият берган Мирзақўлни бутунлай бўйсундиришда шарафли ишга ўзларининг янгила-янги ҳиссаларини қўшмоқдалар.

В. МОШЧЕНКО,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги СОПСнинг улуғий секретари,

Д. ГАВРИЛЕНКО,

Т. КРЮГЕР, СОПСнинг Мирзақўл проблемалари билан шугулланувчи илмий ходимлари



Суратларда: 1. «Боёв» совхозини 3-бўлимининг С. Манбетов бошлиқ трактор-далачилик бригадасининг универсалчиси Шоди Йўлдошев ўзгани культувация қилаётир. 2. «Боёв» совхозида бўлибда келтирилган янги боғ. А. Палехов ва И. Глауберзон фотолари.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Совет ҳокимияти йилларида Мирзақўл массивида 164 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, ўнлаб нолхоз ва совхозлар ташкил этилди.

Киров номили каналдан ҳозир ҳар секундада 450 кубометр сув оқмоқда. Бу канал Мирзақўлнинг Ўзбекистон ва Қозғоғистон қисмидаги юз минг гектар экин майдонига ҳаёт бағишламоқда.

Янгиер шаҳри тез суръатда билан қурилмоқда. Бу ерда жуда кўп маданий-маишги муассасалар меҳнаткашларга хизмат қилиб турибди. Шаҳарда йилга 15 минг кубометр йнғима темир-бетон буюмлари тайёрлайдиган полигон заводи ишламоқда.

Янгиер—Жиззах, Бекобод — Янгиер ўртасида юз километр узунлида янги магистраль йўл қурилди.

Жанубий Мирзақўл каналининг биринчи навабати битказилиб, Боёвут районининг юқори қисмидаги янги очилган ерларга сув чиқарилади. Бу канал яна ўн метр кенгайтирилиши ва анча чуқурлаштирилиши.

Революцияга қадар Мирзақўлда атиги бир инженер ҳодим бор эди. Ҳозир янги ерларни ўзлаштиришда, канал ва коллекторларини қазийишда, уй-жой ва санават корхоналари қурилишида қарийб 800 инженер-техник ходимлар ишлаб турибди.

САКНИЗ МИНГ ГЕКТАР ЯНГИ ЕРГА СУВ ЧИҚАРАМИЗ

Янгиер шаҳридан Ховос томонига бир неча чакири юрсангиз, чап ёнга катта асфальт йўл бурилади. Бу асфальт-магистрал тўпна-тўғри бизнинг посёлкамизга — насос станциясини қўраётган ишчиларнинг посёлкасига олиб келади. Коллективимиз олдида масъулиятли вазифалар турибди. Жанубий Мирзақўл каналининг тармоғи 59-разъезд яқинида келиб қолганлиги сабабли унинг сувини янада баландроқ майдонларга чиқариш мумкин эмасмикан, деган фикр туғилди. Шу сабабли «Гидрогостенстрой» Бош бошқармаси разъезд яқинида кучли насос станцияларини вужудга келтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу вазифа бизнинг бетончилар ва механизаторларимизга топширилди.

Қурувчиларимизнинг дастлабки отряди бу ерга келганига роса бир йил бўлди. Лекин мана шу қисқа вақт ичида диаметри 80 метр келadigan йнғима котловани қуриб бўлди. Ҳозир секундида 3,5 кубометр сув торта оладиган 4 та агрегатни монтаж қилиш ишлари давом этаётди. Қурилиш участкасида 15 тонналик кранлар, йнғим темир-бетон уюсли, 20 га яқин скрепер ва бульдозер, самоваллар ишлаб турибди. Янги насос станциясининг қуввати шу даражада бўладики, у ҳар

секунда 14 кубометр сувни 25 метр баландликка узата олади. Натижада «Фарҳод» совхозининг Янгиер ва Ховос билан тутаниб кетган юқори томонидаги 8 минг гектар ер сув билан тўла таъмин этилади. Коллективимиз бу муҳим ишнинг ишончли бошқарилган фойдаланишга топириш учун қурама-қураму мувобақлашадиган бетончилар, монтажчилар ва гурадошлар аниқда тайيار қўриқиб ишламоқдалар. Алексей Бариев бошлиқ бетончилар бригадаси апрель ойи ишлаб чиқариш планини 150 процент адо этилди. Бу меҳнатсевар коллективнинг Салом Толипов, Аҳмад Хўжаев, Роза Газизова сингари бетончилари ўзлари бир-китилган участкалардаги ишнинг муваффақиятли адо этилиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Биз участкамиздаги асосий ишларни тутатганимиздан сўнг кучли насос агрегатлари Жанубий Мирзақўл канали сувини 25 метр баландликка кўтариб, чўлга ҳаёт бағишлайди. Янги йнғим ишончли фойдаланишга топширилсин! — Мирзақўлни ўзлаштиришга биз қўшган муносиб ҳисса бўлади.

Ш. ТОПИЛОВ,

«Янгиерводстрой»нинг насос станцияси мастери.

ЛЕНИН ДЕКРЕТИ

Мен тенгилар она ҳаёлида Ширин орду бўлганда ҳали Мирзақўлнинг сувсиз ўқларига Тушган эди Ленин назари... Қурум босган Кремль деворлари Қизил соқин турарида тўнғиб Кун ёйилган бир ҳонда Илч Фикр дарёсига шўнғиб Қирт-қирт ёзар.

Ҳарфлари майда. Аммо жуда улкан режалар. О. Мирзақўл тонгги оттирилган Оқ кечалар, узун кечалар! Масофалар узок бўлса ҳам, Илч Зўр умиди балдиб бетиди, Туркистоннинг бутунини кўриб Ған ёган Совет декретида.

Султон АКБАРИИ.

РЕПОРТАЖ

Биз тушган сенил машина янгигина қурилган Янгиер-Жиззах трассаси бўлиб 50 километрча юргандан сўнг теп-текин чўл бағрида янги ташкил этиладиган 4-совхознинг бинокорлик Материаллари базаси олдида келиб тўхтади. Бу ерда агрофи тахта билан ўралган кенг майдон ва 3-4 та вагон-уйлар бошқа ҳеч нарса кўзга чалинмайди. Ҳалигина кучли момақалдироқ бўлиб ёнбўтган ёмғир бўз юзини ювиб қўйгандек. Тоғ томондан эсаётган баҳор шабадаси киниға ҳузуур бахш этади. Узок-узокларда ўтлаб юрган қўй-қўзилар тизза бараваар ўсган ўт-ўланлар ичида кўзга ташланади. Уфда жануб томонга қараб кетаётган поезд оғир нафас олгандек, пишқириб бораётир.

Биз бу ерларда ўтган йилнинг баҳориди ҳам бўлган эдик. Ҳў анави бўзликда «Қизил чорвадор» совхозининг кенса чўпои Долимоёв ота билан шу ерлар ҳақида узок суҳбат қургандик. Утган баҳор қуруқроқ келганмиди, ҳар ҳолда бўз сарғайиб қолганлиги, ўшанда Долимоёв отага ҳамроҳимиз: — Отаҳон, сиз билан биз ўтирган мана шу ерларда катта-катта посёлкалар, совхознинг йнғим пахтазорлари, боғлари барпо этилади, деганда ота елқасини қисиб ажабланган эди.

Атрофда ҳар қанча кўз ташламайлик, Долимоёв ота кўринмас эди. Эҳтимол чўпонлар қўй-қўзиларни ҳайлаб чўлнинг ичкарисига кеттиришди. Ахир бу жойларда йнғим қурилишлар олиб бориладиган. Биз қурилиш участкасининг бошлиғи Ғани Абдуллаевдан қуриладиган янги 4-совхозни тўлароқ характерлар беришни сўрадик. Еш инженер қўлидаги арифмометри рўпарасига найза қилиб: — Янги совхоз мана шу кенгликда қурилади, — деди.

— Совхознинг генерал плани қўлингиздами? — сўрадик биз.

— Ҳа. Бу бўлажак йнғим хўжалигининг лойиҳаси тўла ишлаб чиқилган. Хўкумат қурилиш, ирригация ва мелiorация ишлари учун 160 миллион сўм маблағ ажратди. Шунинг ҳам айта қўйини, биз ана шу маблағни рекорд қўйиб икки йил ичида ўзлаштиришимиз керак. Бунга албатта аришамиз. Негаки, техникдан, бинокорлик материалларидан камчилигимиз йўқ.

Ҳали сиз бўлажак совхозимизни характерлар беришни сўраган эдингиз. Аввало шунинг айта-қўйиб

Совхозда бир кун

чёртёжларини қисқа муддатлар ичида тугаллаб механизаторларга топширишимиз керак. Янги совхозда 10 мингдан ортиқроқ аҳоли яшайи мўлажалланмоқда. Бу ерларнинг мелiorатив ҳолати Қозғоғистон республикасининг машҳур «Пахтаорол» совхозини ерларидан устундир. Бу ерда асосан пахта етиштирилади. Шуниси характерлики, қўзалар суғийи ёмғир билан сугорилади. Хўулса янги 4-совхознинг барча соҳалари тўла механизациялаштирилди...

Ҳар иккала ёш мутахассиснинг янги совхозда бизга берган тасавури реал ҳақиқатдир. Яна 2-3 йилдан кейин бу гигаит совхознинг территориясида 10 минг гектар янги ер очилди ва планировка қилинди. Ҳозир бу ерга қўйлаб бинокорлик материаллари келтирилади, янги совхозга магистраль йўл қурилмоқда. Зомин ва Жиззахдан комсомол-ёшлар, мутахассис кадрлар келиб, совхоз қурилишида актив қатнашаётирлар. Янгида юзга яқин зоминлик ёшлар комсомол путёвкеси билан келдилар. Улар ҳозир қурилиш ишларини авж олдириб юбориш учун зўр тайёргарлик қўрмоқдалар.

— 1960 йилда бу ерга сув келтирилади. Шу сабабли — биз планировка

Биз пахта ҳосилини ошириш билан биргаликда умуман экинзор ерларни ҳам кенгайтирашимиз. Шу йилнинг ўзида чўздан 15 гектар янги ерни узиб олиб, уни пахтазорга айлантиридик. Биз келажакда ҳам халқимиз неча асрлардан бугун ўзлаштиришни орау қилиб келган ва бу оравуни амалга ошириш йўллари улуғ Ленин ўз декрети билан чапаб берган ерларни ўзлаштириб, янги чаманзорлар яратамиз. Халқ ораси рўёбга чиққан ерда халқимизнинг янги «оқ олтин» қонлари пайдо бўлади.

Бенин САИДОВ,

Боёвут районидаги Карл Маркс номили колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Мирзақўл районидаги Сталин номили колхознинг узузморида. Суратда: борбон Х. Абдуллаев узузморида.

Р. Шамсутдинов фотоси, (ЎзТАП-фотохроникаси).

Ҳозирги пахтазорлар ўрни илгари чўл эди

Мирзақўлда 1930 йилда кўчиб келган эдик. Ҳана вақтда ҳаммаёқ хўвўлаб ётарди. Соя-салқин ташлаб турган дарахтлар жуда кам эди. Ерни ярим метр, қанчалек зах сув отилиб чиқарди. Дастлабки йилларда боситрилган, чайлаларда яшашга тўғри келди. Бардош-ли, ўз кучига ишонган халқимиз қийинчиликлардан қўрқмади, хўжалигимизни йил сайин бойига бордик.

Ҳали-ҳали эсимда — биринчи марта чигит экканимизда у униб чиқини билан шўр қисиб қўйгани, қайта-қайта чигит экавериб чарчаган пайтларимиз. 1930 йилда атиги 91 гектар ерда пахта етиштирилган бўлсақ, Киров номили канал чиқарилаган, пахта майдонимиз салкам 1000 гектарга етказилди. Ҳозирги пайтда экин экиладиган ва сугориладиган ерларимиз 2000 гектарга етиб қолади. Шу йилнинг ўзида аазамат колхозлар астойдил ишлаб 100 гектар янги ер ўзлаштирилди ҳамда шу ерларга чигит экиб олдилар.

Колхозимизда пахта ҳосилини кўпайтириш учун агротехниканин барча афвал усуллари кенг қўлланилмоқда. Бу йил 400 гектар ерга чигит квадрат-улаб экилди. Бошқа кўпгина майдонлардаги ўзгани икки томонлама ишлаш учун қурашмоқдамиз.

Мен бир неча йилдан бери эвено бошлиғи бўлиб


ишлайман. Кўпчилик қатори астойдил меҳнат қилаётганимиз учун эвеномиз пахта ҳосилини йил сайин оширмоқда. 1958 йилда 16 гектар ернинг ҳар гектаридан 39 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилдик. Мирзақўл ерларидан мўла ҳосил етиштириш йўллариини жуда ахши ўрганиб олган эвеномиз аъзолари бу мажбуриятни шараф билан бажармадиклар.

Колхозимиз хўжалиги тобора бойиб, экономикаси юксалиб бормоқда. Пахтадан ташқари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари, шунингдек чорвачилик ривожлантирилади. 4,5 минг бош қўйимиз, 400 та чўча-маки бор. Сигирларнинг боқувини яхшилаб, улардан қўшлаб сўт соғиб олмақдамиз.

Улуғ доҳимиз Владимир Ильич Ленин Мирзақўл ерлари халқ учун бойлик берадиган унумдор бўсин, деган экан, унинг шу васыятини халқимиз бажонидил адо этмоқда. Мирзақўлда бизнинг колхоз сингари пахта ҳосилини ошираётган хўжаликлар жуда кўп. Мирзақўл бундан кейин ҳам пахта қони бўлиб қолади. Халқимиз шундай ишни бажариш қудратига эга.

Ғани ЖУРАЕВА,

Мирзақўл районидаги Сталин номили колхознинг эвено бошлиғи.



Киров номили канал. А. Палехов-фотоси.

Ер учинчи сунъий йўлдошининг ҳаракати тўғрисида
Учинчи сунъий йўлдош 16 май эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини тўнчи марта айланиб чиқди.

Совет фани ва техникасининг янги порлоқ галабаси

СССР Фанлар академиясининг планеталараро учиб соҳасидаги ишларни ривожлантириш комиссияси раиси академик Л. И. СЕДОВ билан суҳбат

Космосга учиб даври бошланган пайтдан бери ярим йилдан салгина кўпроқ вақт ўтди. 1957 йил 4 октябрда Ернинг жаҳонда биринчи сунъий йўлдоши учирилган эди.

Совет фанининг янги буюк тантанаси

Учинчи совет йўлдошининг учирилганлиги муносабати билан чет элларда баён этилган фикрлар

ПЕКИН, 16 май. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдириди: Синьхуа агентлигининг радио қабул қилиш станцияси кеча учинчи совет Ер сунъий йўлдошидан икки марта сигналлар қабул қилди.

РИМ, 16 май. (ТАСС). Совет Иттифоқида Ернинг учинчи сунъий йўлдошининг учирилганлиги Италияда жуда катта қизиқиш туғалди.

ПАРИЖ, 15 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Вашингтондан хабар беради.

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЙ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 15 май. (ТАСС). Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиесий бюроси янги баёнот эълон қилди.

Ливандаги партиялар, сиесий ташкилотлар ва шахслар миллий конгрессининг баёноти

БАЙРУТ, 15 май. (ТАСС). Ливан газеталари Ливан ташқи ишлар министри Маликнинг Бирлашган Араб Республикаси Ливаннинг ички ишлари вақтида «аралашмоқда» деб қилган баёноти ҳақида партиялар, сиесий ташкилотлар ва шахслар миллий конгрессининг баёнотини эълон қилди.

ЎЗБЕКИСТОН МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ Х СЪЕЗДИ

16 майда, Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисида азияда республика матлубот кооперацияси вакиллариининг Х съезди очилди.

Съезд президиумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Камолов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбекова, Центросоюз правлениясининг раиси А. Ш. Қиёмов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Нуриддинов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари — А. Н. Рудин, М. В. Мухаммаджонов, С. К. Зибдуллаев, Ўзбекирлашув правлениясининг раиси Х. Юнусов, матлубот кооперацияси область ва район соъазларининг вакиллари, қишлоқ матлубот жамиятларининг вакиллари ўтирибдилар.

Республика матлубот кооперацияси хўжалик ва молиявий фаолиятининг ажууларни ҳақида Ўзбекирлашув правлениясининг Раиси С. Н. Юнусов доклад қилди. Шундан сўнра съездада ревизия комиссияси раиси А. Жуконинг ҳисобот доклади ҳамда Ўзбекирлашув буюм бухгалтерияси А. Дрейзловнинг балансини тасдиқлаш тўғрисидаги докладылари эшитилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Камолов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети номидан съезд қатнашчиларини табриқилди.

Ўзбекирлашув правлениясининг ҳисобот доклади юзасидан музокара-лар бошланди. (ЭТАГ).

Эндликда 1.327 килограмм оғирликдаги учинчи совет сунъий йўлдоши учирилди. Бу — совет инженерлари ва олимларининг янги катта муваффақиятидир. Учинчи совет сунъий йўлдоши юқори қатламларда атмосферанинг тузилишини, унинг составини ва босим-

нинг тақсимланишини геофизика жиҳатдан текшириш, муҳабт ионларнинг тўпланганини белгилаш, Ернинг элктростатик ва магнит майдонларини ўлчам. йўлдошининг электр заряди кучини аниқлаш учун тайинланган. Бунда қўб-нинг корпускуляр нурланганин интеграллигини белгилаш ва дастлабки космик нурларнинг состави ва вариацияларини аниқлаш соҳасида тажриба ўтказилган ҳамда фотонлар ва оғир ядроларнинг космик нурларда тақсимланиши ўрганилган.

Учинчи совет сунъий йўлдоши аниқ муқаммал телеметрия апаратлари билан таъминланган. Бу апаратлар жуда кўп мураккаб ўлчамларнинг ҳамма натижаларини Ерга юбориб туриш имкониятини беради.

Область колхозларида гўза парваршининг бориши тўғрисида 1958 йил 15 майгача бўлган МАЪЛУМОТ

Table with 7 columns: Районлар, Ҳудуд қилдирилган қўбларнинг қўбларини, 1-улуғлиги, 1-улуғлиги, 1-улуғлиги, Қетмон қопиға, Омиқлаштириш

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ 4-КОНГРЕССИ

БУХАРЕСТ, 15 май. (ТАСС). Бугун бу ерда Халқаро журналистлар ташкилотининг 4-конгресси очилди. Конгресснинг ишларида Европа, Осиё, Америка ва Африкадаги 26 мамлакатнинг журналистлари қатнашмоқда.

Бирлашган Араб Республикаси Ливан ҳукуматининг нотасини рад этмоқда

ҚОҲИРА, 15 май. (ТАСС). Мажбуот хабарларига қараганда, кеча Ливаннинг Бирлашган Араб Республикасидаги муваққат ишлар вакили ўз ҳукуматининг нотасини тошриқ учун Бирлашган Араб Республикаси Ташқи ишлар министрлигига берган.

ЛИВАНДА АҲВОЛ

БАЙРУТ, 15 май. (ТАСС). Ливаннинг бутун территориясида вазиет кескинлигича қозмоқда. «Ассиса» газетасининг ёзишича, кеча Байрут, Таробис, Сайда, Тир, Хермел, Баалбек, Иббатия, Залхе шаҳарларида ва бошқа шаҳарларда забастовкалар давом этган.

Газеталар тоғлик Хермел районларида қуролли қўзғолончи отрядларнинг ҳаракатлари тўғрисида хабар берадилар. Расмий ахборотда айтилишича, ҳукумат қўшинлари Шуф ва Бейтэддин районларида қўзғолончи билан жанг қилмоқдалар. Бир қанча жойда қўзғолончилар кўприкларни, темир йўллари ва телефон алоқаси линияларини портлатганлар.

МАКТАБ ҲАЕТИ

Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларига раҳбарликни кучайтирайлик

да, 7-рус синфларида математикани ҳам дарс беради.
Бир қатор ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларининг синфлари тўла эмас. Айрим синфларда ўқувчиларнинг сони 7-8 дан ошмайди. Ўқувчиларнинг мактабни сабабсиз ташлаб кетини ҳоллари ҳам тез-тез содир бўлмоқда.

МАКТАБ ҲАЕТИ

Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларига раҳбарликни кучайтирайлик

қаноатланарди деб бўлмайди. Ўқитувчилар ўтилган темалар юзасидан ўқувчилардан ахён-аҳён сўрайдилар, қўйилган баҳоларни чорак баҳосига қабул қилмадилар. Чиноз районидagi ишчи ёшлар мактабларининг 7-синф ўқитувчиси Ўртоқ Ногосова шу тахиятга ишляпти.

Желевидор Экраннда

17 МАЙДА
19.30 «Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси олдидан» урта мактаб ёшдаги болалар учун ўзбек тилида эшитириш. Африка ёзувчиси Абрахамнинг «Озодликка чақир» асарига асосда ишланган телеисценировка.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — (ёзики бино) — 17/7 да Ганг дарёсининг қизи, 18/7 да Айтсам тилим куял, айтмасам дилим.
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 17/7 кеч соат 9 да Катта концерт. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Мукаррама Турғубоева, Шаҳодат Раҳимова ва бошқалар қатнашади.